

халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва роли ниҳоятда аҳамиятлидир.

Турли даврларда ҳар хил соҳалар бўйича ноёб тарихий маълумот ва фактлар ҳақида ёзилган ҳар хил мақолалар ҳамда очеркларни ўзида жамлаган «Туркистон тўплами» (Туркестанский сборник) бир неча томлардан иборат. Ушбу тезисни тайёрлаш жараёнида Туркистон тўпламининг Жанубий Оролбўйи қорақалпоқлари ҳақида, хусусан 1873 йил полковник А.В.Каульбарснинг шахсан ўзи мазкур ҳудудни айланиб чиқиб, кўрган, эшитган ва билганлари ҳақида ёзилган «Қуйи Амударё» деб номланган бир неча боб ва бўлимлардан ташкил топган жуда қизиқарли материалларни ўзида жамлаган 646 бетдан иборат катта китобдаги материаллардан кенгрок фойдаланилди.

Ушбу китобда кўрсатилишича, Орол денгизи ҳавзасида Орол ўзбеклари ва сартларнинг ислом динига ишончи кучли бўлган. Шу билан бир қаторда қорақалпоқлар ислом динига ишонган. Уларнинг кўчманчи ҳолатдан ярим ўтрок, ўтрок ҳолатга ўтиши муносабати билан уларнинг динга ишончи ҳам кучлироқ бўла бошлаган.

А.В.Каульбарснинг ёзишича, уларнинг ислом динига ишончи кучайган сари, ислом динига оид мадрасалар, яъни диний мактаблар қура бошлаганлар. Уларнинг ижтимоий ҳаёти ва оилавий шароити шариат қонунларига ва урф-одатларига бўйсундирила бошланган.

А.В.Каульбарс Жанубий Оролбўйининг шимолий қисмида яшовчи қорақалпоқлар мусулмон марказларига яқин жойлашганлиги учун динни қабул қилиши осонроқ бўлганлиги, уларда ўтрокликка мойиллик юқорироқ бўлганлигига ҳам эътибор қаратган.

Қишда ўтовларда яшаган. Иссиқ кунлари айвонлардан хўжаликка тегишли нарсаларни сақлашда фойдаланган. Амударёнинг қуяр ҳавзасида қорақалпоқлар томонидан қурилган 40 га яқин қўғонлар бўлган. Улар ўтовларда яшаган. Қўғонлар турқман босқинчиларидан сақланиш учун қурилган.

Ўтовларни зарур бўлганда йиғиштириб олиб кетиш имконияти ҳам бўлган. Қорақалпоқлар томонидан қурилган қўғонлар вақт ўтиши билан, об-ҳавонинг таъсири натижасида емирила бошлаган. Қорақалпоқ оилалари аста-секин кенг, салқин, шу билан бирга иссиқ айвонларга ҳам эга бўла бошлаган. Айвонларда омборхона, отхона, товуххона, уй ҳайвонлари, туялар, хўкизлар, сигирлар, қўй ва эчкиларни жойлаштирган. Айвонни ёнида уй ҳайвонларини сақлаш учун қўралар бўлган ва улар унчалик баланд бўлмаган лой деворлар билан ўраб олинган.

«Туркистон тўплами»нинг 283 жилдида ушбу ҳудудда ерга эгалик қилиш, ер эгаси бўлиш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ерга эгалик қилиш масаласига ҳам эътибор қаратилган.

Айниқса, Амударёнинг қуяр ҳавзасида Кегейли ирмоқларида ерни ишлаш ва ундан ҳосил олиш имконияти юқори бўлган. Айрим ҳудудларнинг

катталиги дарёдан узоқлиги, деҳқончилик билан шуғулланишга имконият бермаган. Шунинг учун ҳам улар қисман кўчманчилик билан ҳам шуғулланган. Уй ҳайвонларини ўзлари билан олиб юрган.

А.В.Каульбарснинг ёзишича, Талдиқ, Қизилқум, Даўқара ҳудудларида чорвачилик билан шуғулланишган ва чорвачиликни ривожлантириш учун қудуқлар қазилган. Ушбу ҳудуддаги қорақалпоқлар ўзбеклар ва козоклар бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлишган. А.В.Каульбарс қорақалпоқлар икки хил ҳолатда: Бир қисми ўтрок, иккинчи бир бўлаги кўчманчи бўлиб яшаганлар, -деб кўрсатади. Биз унинг ушбу фикрига тўлиқ қўшила олмаимиз. Чунки, мазкур даврга тегишли турли манбалар, ҳарбий ҳисоботлар, адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, қорақалпоқлар ўтрок, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳолатда яшаганлар деган хулосага келамиз. Аммо А.В.Каульбарснинг ўзи эътибор бермаган ҳолда ўтрок қорақалпоқлар чорва молларини боқиш учун ўтовларини кўчириб юрган деган фикрни ҳам айтиб ўтади.

Ҳар бир боғда масжид бўлган. Чимбойга яқин жойда яшовчи бой қорақалпоқлар ҳар бири ўз уйида уй ибодатхоналарини (масжидларини) ҳам қурганлар. Ушбу бинолар тўрт бурчакли, тўғри бурчакли деворлардан иборат бўлган, тўртинчи томони очиқ бўлган. Масжиднинг бир томонида кафедрага ўхшаган мулла ўтиради-ган жой ҳам бўлган. Пол лойдан бўлган. Ушбу ҳудуднинг жанубий томонида яшовчи ўзбекларнинг ҳовлиларида қайроғоч ўсимликлари билан ўралган қалин ва катта боғлари бўлганлиги билан ажралиб турган ҳамда кенг миқёсда деҳқончилик билан шуғулланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қорақалпоқ аҳолисининг ўтрок ҳолатда яшовчи қисми ҳам нисбатан бойроқ яшаган [1].

Умуман олганда, қорақалпоқлар ўтрок, кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳолатда яшаганлар. Кўчманчилик йиллар давомида давом этиб келаётган қорақалпоқ, қирғиз ва козок халқларига хос бўлган ҳодиса эди. Ўлкадаги рус маъмурияти бунга «дайдилик» деб атайди ва унга қарши кураш олиб боради. Натижада, одамларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриши, шунингдек, ўз бўлисида ташқарига, бошқа жойларга кўчиб юриш ҳуқуқи бекор қилинган [2]. Чунки, кўчманчи ҳолатдаги қабил ва овуллари санаб чиқиш, уларнинг сонини аниқлаш, уларга солиқ тўлаттириш ҳам рус маъмурияти учун қийинчилик туғдирган. Шунинг учун кўчманчиликни тўхтатиш зарурияти туғилган ва ҳарбий-статистик, этнографик ўрганишлар амалга оширилган.

Шундай қилиб, қорақалпоқларнинг ҳудудлари, яшаб шароити ўша пайтлари, биринчи навбатда, улардан сиёсий, иқтисодий манфаат кўриш мақсадида ўрганилган, яъни солиқларни одам бошига тўғри ундириш, ҳарбий мақсадда аскар тўплаш-навқарлар йиғиш масалалари учун уларнинг сони, жойлашган ҳудудлари ҳақида аниқ маълумотлар тўпланган ва аҳолининг динга муносабати масаласи доимий ўрганилиб борилган.

Адабиётлар

1. Туркестанский сборник. Т. 283. – С. 254.
2. Туркестанский сборник. Собрание сочинений о Туркестанском крае вообще. Сопредельным с ним стран Средней Азии. Составляемый В.И.Межовым. С.-Петербург. Тип. В.С. Балашева. Д. № 90-1. Том 283. – С. 218, 219-250. Это сборник статей, очерков, записок, исследований опубликованных в разной печати в разные времена.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада Жанубий Оролбўйи халқларидан бири бўлган қорақалпоқларнинг яшаш тарзи, айрим урф-одатлари, ислом динига муносабати масалалари ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье описывается быт каракалпаков, одного из народов Южного приаралья, некоторые обычаи и их отношение к исламу.

SUMMARY. This article describes the life of the Karakalpaks, one of the peoples of the southern Aral Sea region, some customs and their attitude to Islam.